

**ТАСАВВУФШУНОС ОЛИМ, ПРОФЕССОР
НАЖМИДДИН КОМИЛОВНИНГ ИЛМИЙ-
МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТИ
(БИБЛИОГРАФИК ТАҲЛИЛ)**

**НАУЧНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКАЯ
ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ УЧЕНОГО
ПО СУФИЗМУ, ПРОФЕССОРА
НАДЖМИДДИНА КОМИЛОВА
(БИБЛИОГРАФИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ)**

**SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL
ACTIVITY OF TASAWWUF SCHOLAR,
PROFESSOR NAJMIDDIN KOMILOV
(BIBLIOGRAPHIC ANALYSIS)**

Tokhir KHATAMOV
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,
Doctor of Philosophy PhD, docent of the Chair for
IRCICA
Islamic History and Source Studies.
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan
E-mail: t.xatamov@mail.ru

DOI: 10.47980/IIAU/2022/4/9

Аннотация: Тасаввуф тарихини ўрганиш, манбавий асосларини таржима қилиш, шарҳлаш ва халқимизга етказиш масаласи – мустақилликнинг дастлабки йилларида зиёлиларимиз олдидаги муҳим вазифалардан бирига айланди. Ушбу масъулиятли вазифани бажаришда профессор Нажмиддин Комилов ва шогирдларидан иборат жамоа ҳам ўз ҳиссаларини қўшди.

Мақолада тасаввуфшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комиловнинг илмий-маърифий фаолияти тадқиқ этилган. Жумладан, Н.Комилов томонидан нашр этилган асарлар, мақолалар, монографиялар, рисоалар, таржималар, маърузалар, сўзбошилар, тақризлар ҳамда масъул муҳаррирлик, таҳрир ҳайъатидаги иштироки каби жиҳатлар ўрганилган. Ўрганиш жараёнида аниқланган маълумотлар асосида олимнинг тасаввуф соҳаси бўйича олиб борган илмий фаолиятига доир таҳлилий хулосалар берилган.

Олимнинг илмий тадқиқот фаолияти серқирра бўлиб, фаннинг турли йўналишларида илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Жумладан, адабиёт соҳасида таржима ва қиёсий адабиётшунослик, таржима тарихининг назарий масалалари, матншунослик ва адабий жанрлар тараққиети билан боғлиқ жиҳатларни тадқиқ этганлиги таъкидлаб ўтилган.

Олимнинг “Тасаввуф” бўйича нашр этилган биринчи китобининг истиқлол йилларида тасаввуф таълимоти бўйича илмий аҳамияти ўрганилиб, китобдаги тасаввуф тарихи, тариқатлар, ҳол, маърифат ва ҳақиқат, муҳаббат, каромат, тариқат ва шариат, хилват ва анжуман, футувват, моҳият – инсон учун курашмоқ, комил инсон, тасаввуф ва бадиий ижод каби долзарб масалалар таҳлил этилган.

Н.Комилов томонидан асарларга масъул муҳаррирликнинг бажарилиши, шарҳ қўлёзма асарларнинг таржималари, маърузалар, сўзбошилар, тақризлар ҳамда таҳрир ҳайъатидаги фаолияти каби кўплаб ишлари алоҳида ўрганилди. Шу билан биргаликда, Н.Комилов илмий фаолиятининг замондошлари эътирофига оид мақолалар рўйхати шакллантирилиб тақдим этилди.

Профессор Нажмиддин Комиловнинг илмий-маърифий фаолиятини ўрганиш уч даврга бўлинди ва ҳар бир давр учун ном берилиб, алоҳида хулосалар тақдим этилди.

Олимнинг ўз умри давомида дин, миллат, тарих, адабиёт ва тасаввуф бўйича олиб борган илмий-ижодий изланишлари, бугунги авлод учун ижобий аҳамиятга эга маърифий мерос ҳисобланишини эътиборга олинди ва имкон даражасида илмий-ижодий фаолияти мазкур мақолада ёритилди.

Калит сўзлар: Нажмиддин Комилов, Ислом, тасаввуф, Яссавийлик, Кубровийлик, Нақибандийлик, илмий тадқиқот, китоблар, монографиялар, рисоалар, таржималар, мақолалар, маърузалар, сўзбошилар, тақризлар, масъул муҳаррир, таҳрир ҳайъати, ислохотлар.

Аннотация: Вопросы изучения истории суфизма, перевода, комментирования и доведения его первоисточников до нашего народа были одними из самых актуальных, вставшими перед нашей интеллигенцией в первые годы независимости. Свой вклад в решение этой ответственной задачи внесла команда профессора Наджмиддина Комилова и его учеников.

В статье рассматривается научно-просветительская деятельность ученого по суфизму, доктора филологических наук, профессора Наджмиддина Комилова. К исследованию были привлечены работы, статьи, монографии, брошюры, переводы, лекции, рецензии, а также другие работы Н.Комилова. Сделаны аналитические выводы о научной деятельности ученого в области суфизма.

Сфера научно-исследовательской деятельности ученого была обширной и охватывала различные области науки. В частности, было отмечено, что он исследовал вопросы, связанные с теорией перевода и сравнительным литературоведением, текстологией, изучением различных литературных жанров.

Первая исследовательская работа ученого по суфизму, изданная в годы независимости была посвящена изучению суфизма и его истории, его

направлений и ответвлений. Были рассмотрены такие понятия как просвещение и истина, любовь, карма, шариат, футувват, совершенный человек, мистицизм и художественное творчество.

Отдельно изучались работы Н.Комилова по редактированию других исследований в качестве ответственного редактора, по переводам восточных рукописей, Как отдельная группа были рассмотрены лекции и рецензии, предисловия к другим работам.

Изучение научно-просветительской деятельности профессора Нажмиддина Комилова проводилось поэтапно, по каждому этапу творческой деятельности учёного представлены отдельные выводы.

Предлагаемая статья всесторонне освещает научную и творческую деятельность учёного. Надо отметить, что научные и творческие исследования, осуществленные ученым при его жизни в области религии, истории, литературы и суфизма внесли огромный вклад в воспитание современного поколения.

Ключевые слова: Наджмиддин Комилов, ислам, суфизм, исследования, книги, монографии, брошюры, переводы, статьи, лекции, рецензии, ответственный редактор, редакция, реформы.

Abstract: The issue of studying the history of Sufism, translating, interpreting and conveying its sources to our people became one of main tasks for our intellectuals in the early years of independence. The team of Professor Najmiddin Komilov and his disciples made their contribution in fulfilling the tasks in this regard.

The article contains a detailed study of the scientific and educational works of tasawwuf scholar, doctor of philology, professor Najmiddin Komilov. For example, N.Komilov's publications include works, articles, monographs, treatises, translations, lectures, forewords, reviews, editor-in-chief, and definitions as well. Gained data about the scientist's scientific activity in the field of mysticism are given based on the information found during the study.

The scientific research activity of the scientist was extensive, and he carried out scientific research work in various fields of science. In particular, it is mentioned that he researched aspects related to translation and comparative literature studies, theoretical issues of translation history, textual studies, and the development of literary genres in field of literature.

The importance of the scholar's first published book on "Tasawwuf" in the years of independence on Sufism was studied and history of Sufism, tariqahs, spirit, enlightenment and truth, love, karamat (prodigy), tariqah and Shari'ah, hilwat and secrecy, futuwat, essence - to strive for human, current issues such as the perfect man, mysticism, and artistic creation were discussed.

Many works of N.Komilov, such as the performance of the editorial office responsible for the works, translations of oriental manuscripts, lectures, prefaces, reviews, as well as activities in the editorial board, were studied separately. At

the same time, N.Komilov's scientific works were presented to modern friends in forms of unique materials.

The study of the scientific and educational works of Professor Najmiddin Komilov were divided into three periods, and a name is given for every period, and conclusions are made.

The scientist's scientific and creative research on religion, nation, history, literature and mysticism during his lifetime was considered a positive educational heritage for current generation, and his scientific and creative activities are gained in this article as much as possible.

Keywords: Najmiddin Komilov, Islam, Sufism, Yassawiyah, Kubroviyah, Naqshbandiyah, scientific research, books, monographs, pamphlets, translations, articles, lectures, forewords, reviews, editor-in-chief, board of editors, reforms.

КИРИШ

Марказий Осиё – тасаввуф таълимоти шаклланиб, тараккий этган диёрлардан бири бўлиб, алломаларимиз асос солган тасаввуф мактабларидан бизга улкан илмий, маънавий-маърифий мерос қолди. Тасаввуф илмини англаш ва инсонларга етказиб бера олиш – катта илм, тажриба ва масъулиятни талаб қилиб, бундай юксак мартаба барчага ҳам насиб этавермайдиган илоҳий неъмат ҳисобланади.

Минг афсуски, собиқ шўролар тузуми даврида тасаввуф шайхларининг аксарият қисми таъқиб этилди ва улар асоссиз айбловлар билан қатағон қурбонларига айланишди. Тасаввуф таълимотини эса ўтмиш афсонаси, совет фукарolari бундай таълимотларга эргашмаслиги керак дея ташвиқот олиб борилди (Khatamov T., 2022:49). Оқибатда, асл тасаввуф манбаларини халқимизга шарҳлаб, илмий тадқиқ этувчи зиёлиларимиз жуда ҳам камайиб кетди.

Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг азиз авлиёларимизнинг илмий-маърифий меросини қайта тиклаб, халқимизга етказиб бериш учун фидойи олимлар, зиёлилар, профессор-ўқитувчилар илму маърифат майдонида катта масъулиятни ўз зиммаларига олиб чиқишди ва бу йўлда машаққатли аммо шарафли фаолиятларини олиб бормокдалар.

Тасаввуфшунос, адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор **Нажмиддин Комилов (1937-2012)**¹ миллий тарихимизнинг фидойиси сифатида, илм майдонида катта хизматларни амалга

¹ Изох: Ушбу мақолани тайёрлашда профессор Н.Комиловнинг турмуш ўртоғи Жўракулова Музаффа бошчилигидаги шахсий кутубхона материаллари асосида шогирди Убайдуллаева Иноятхон, фарзанди Шокирова (Комилова) Маъсудалар томонидан тайёрланган шахсий каталогдан фойдаланилди. Шунингдек, олимнинг шогирдлари Комилжон Раҳимов ва Ботир Оқбўтаевлар томонидан тақдим этилган маълумотлардан ҳам унумли фойдаланилди.

оширди. Н.Комилов 1965 йили Самарқанд давлат университетини тамомлаб, ўз ҳаётини фан, таълим, бошқарув ва тасаввуф соҳаларига бахшида этди. Олимнинг илмий фаолияти серкирра бўлиб, фаннинг турли йўналишларида илмий-тадқиқот ишларини олиб борди. Жумладан, адабиёт соҳасида таржима ва қиёсий адабиётшунослик, таржима тарихининг назарий масалалари, матншунослик ва адабий жанрлар тараққиёти билан боғлиқ жиҳатларни тадқиқ этди. Н.Комиловнинг илмий фаолиятидаги энг ёрқин хизматларидан бири сифатида тасаввуф таълимоти бўйича олиб борилган тадқиқот ишларини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур.

Олим тасаввуф соҳаси бўйича мутахассислар *Иброҳим Ҳаққул, Султонмурод Олим, Садриддин Салим Бухорий, Анварқори Турсунов* каби илм фидойилари билан илмий ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйди.

УСЛУБЛАР

Н.Комиловнинг тасаввуф таълимоти бўйича олиб борган тадқиқот ишларини бир қанча қисмларга бўлиб ўрганишимиз мақсадга мувофиқ. Жумладан, нашр этилган *китоблар, монографиялар, рисолалар, таржималар, мақолалар, маърузалар, сўзбошилар, тақризлар, оммавий ахборот воситаларидаги интервьюлар, масъул муҳаррирлик ва таҳрир ҳайъатидаги иштироки* каби серкирра фаолиятини алоҳида санаб ўтишимиз мумкин. Шу жумладан;

1) Китоблар: Олимнинг бу даврда нашр этилган китобларига тўхталиб ўтсак: “Тасаввуф” - (*“Шарқ фалсафий тафаккури тарихидан. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи”*). Биринчи китоб. Тошкент. “Ёзувчи” нашриёти, 1996 йил) (Комилов Н., 1996:272). “Тасаввуф” - (*“Тавҳид асрори”*). Иккинчи китоб. F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1999 йил) (Комилов Н., 1999:189). “Комил инсон миллат келажаги” - (Тошкент, 2001 йил). “Хизр чашмаси” (*“Маънавият”* нашриёти, Тошкент, 2005 йил. Масъул муҳаррир С.Олимов). “Тасаввуф” - (Тошкент. ТошДПИ нашриёти, 2006 йил), “Нажмиддин Кубро” рисола, (Тошкент, A.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. 1995 йил), “Тасаввуф”, “Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар” тўплами (Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1994 йил), “Тафаккур карвонлари: Шарқу Ғарбнинг цивилизациявий алоқалари” (Тошкент, “Шарқ”, 2011.) ушбу асарлар бугунги кунда ҳам бир неча бора қайта нашр этилмоқда, тақдим этилган маълумотлар дастлабки нашрларга оид.

Бевосита асарлар таҳлиliga эътибор қаратсак; “Тасаввуф” - (*“Шарқ фалсафий тафаккури тарихидан. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи”*) биринчи китоби истиқлол йилларида тасаввуф таълимоти бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган илк китоблардан бири сифатида эътироф этишимиз мумкин. Асарда тасаввуф тарихи, тариқатлар, ҳол, маърифат ва ҳақиқат, муҳаббат, каромат, тариқат ва шариат, хилват ва анжуман, футувват, моҳият – инсон учун курашмоқ, комил инсон, тасаввуф ва бадий ижод каби долзарб масалалар таҳлили ёритилган. Тўғри, асар илоҳиёт ёки исломшунослик йўналишига айнан мувофиқ шаклда ёзилган эмас, асосан адабиётшунослик ёндошуvidан келиб чиқиб баён этилган, аммо муқаддас ислом динидан узоқда, деярли бир асрга яқин коммунистик мафкура босимида бўлган халқимизга ислом илмлари асосидаги тасаввуф таълимотини етказиш масаласи мустақилликнинг илк йилларида турли ички ва ташқи омиллар сабабли анча мураккаб жараён эди.

Олим “Ўтиш даври”даги мураккабликлар ва тасаввуфий кадрятлардаги кўп йиллик йўқотишларга қарамай, ўзининг мазмундор ва изчил тадқиқотлари асосида ёзилган, халқимизнинг тасаввуф бўйича дунёқарабини кенгайтиришга бағишланган “Тасаввуф” китобининг иккинчи қисмини ҳам “Тасаввуф” – (*“Тавҳид асрори”*) номи билан қисқа муддатда кенг жамоатчиликка ҳавола этди. Шунингдек, “Комил инсон миллат келажаги”, “Хизр чашмаси” каби китоблари ҳам тасаввуфий назария ва ғояларига асосланган ҳолда баркамол авлод тарбияси учун йўналтирилди.

2) Мақолалар: Илмий тадқиқотлар акс этадиган дастлабки қадам бу мақолалар бўлиб, Н.Комилов тасаввуф соҳасидаги ўз илмий-тадқиқот натижаларини илмий, адабий, ижтимоий-маърифий журналларда эълон қилиб борди. Жумладан, “Тасаввуф ва бадий ижод” (Комилов Н., 1991:21-28), “Мардлик тариқати (Жавонмардлик ҳақида) (Комилов Н., 1994:29-37), “Тасаввуф ва Шарқ фалсафаси”, “Комиллик тариқати (тўртта мақола)” (Комилов Н., 1998:45-54), “Ирфон нури” (Мирзо Бедилнинг “Ирфон” достони талқини) (Комилов Н., 2006:9-16), “Тасаввуф истилоҳлари” (Комилов Н., 2003:14-22), “Дарвеш ахлоқи таърифидан”, “Хилват ва анжуман”, “Одамий – шарифул кавнайндури”, “Хожа Аҳрор Валий”, “Маломатия фалсафаси”, “Тасаввуф ва тариқат пешвоси” (Комилов Н. 2009: 53-60), “Тасаввуф ва Шарқ фалсафаси”, “Нежмиддин Кубра и Алишер Навои” ушбу мақолаларида олим

тасаввуфдаги зарурий масалаларни яъни тасаввуфий назариялар, ғоялар, атама ва янги концепцияларни таҳлил этиш, шарҳлаш, илмий истеъмомга киритиш каби долзарб ишларни амалга оширди (Khatamov T., 2022:8-11).

3) Таржималар: Н.Комилов шарқ тиллари бўйича, моҳир таржимон сифатида бир қатор *ислом тасаввуфи манбаларини таржима қилди*. Жумладан, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати” номли панднома жанрида ёзилган асарини (1994 йил), Шайх Азизиддин Насафийнинг “Зубдатул ҳақойиқ” (1995 йил) ва “Комил инсон” (2000 йил), “Комил инсон ҳақида тўрт рисола” (1997 йил) (Комилов Н., 1997:316), Жалолиддин Румийнинг “Маснавий маънавий” ҳикоятларини (2000 йил), “Фақр нури порлаган қалб (Алишер Навоийнинг форсий қасидалари)” (2001 йил) тақризчи С.Ғаниева, Шайх Фаридиддин Атторнинг (1994 йил) “Илоҳийнома” асарининг дебочаси, дostonнинг бошланиш қисмидаги “Рухга мурожаат...” бўлими ҳамда “Жавҳар уз-зот” асаридаги (2005 йил) айрим лавҳаларини форс тилидан таржима қилиб китоб, мақола тарзида чоп эттирди. Минг афсуски, халқимиз ўз тарихига оид қўлёзма ва манбаларни ўқиш ва тушуниш имкониятидан собиқ шўролар тузуми даврида қасддан маҳрум қилинди. Жуда ҳам бой тарихий меросимизни ўрганиш, шарҳлаш ва халқимизга етказиш масаласи – мустақилликнинг дастлабки йилларида давлатимиз олдидаги муҳим стратегик муаммолардан бирига айланди. Ушбу муаммо ечимида профессор Н.Комилов ва шогирдларидан иборат жамоа ўз ҳиссаларини қўшди.

4) Интервьюлар: Илмий тадқиқот натижаларини кенг жамоатчиликка етказиш, тасаввуф соҳасига оид илм-маърифатни тарқатиш, мураккаб назария ва ҳикматларни шарҳлашда интервьюлар муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, интервью жараёнида олимнинг халқчил усулда ўз илмий ишлари бўйича янги маълумотларни батафсил етказиб бериш имконияти ортади. Профессор Н.Комиловнинг тасаввуф бўйича олиб борган илмий фаолиятида ҳам оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик муносабатларини кузатамиз.

Жумладан, 1992 йил 19 июнда “Хабар” газетаси муҳбири Юсуф Расул билан “Мурувват ва футувват” мавзусида, 1993 йил 6 августда “Халқ сўзи” газетаси муҳбири Ўлжабой Қаршибой билан “Нафсининг ёмонлигини таниш ўзликни танишдир” мавзусида, 1997 йил 19 мартда “Хуррият” газетаси муҳбири

Кўпайсин Алиева билан “Комиллик йўли” мавзусида (Комилов Н., 1997:2-3), 2008 йил 23 январда “Хуррият” газетаси муҳбири Адиба Умирова билан “Инсон – Илоҳ илмининг тажассуми” мавзусидаги интервьюлари халқимизнинг тасаввуфий дунёқараш бўйича билимлари янада ортишида ижобий аҳамият касб этди.

5) Газеталар: “Накшбандия” газетасининг 1997 йил ва 1998 йил №1-2 сонларида “Фақирлик – фаҳрим менинг” мавзусида, “Халқ сўзи” газетасининг 1998 йил 14 мартдаги сониди “Қамолот сари ёхуд ўзликни, миллий характерни такомиллаштириш хусусида” (М.Қуронов билан ҳамкорликда) мавзусида, 2000 йил 14 июнда “Халқ сўзи” газетасида “Ўғлимизни ёритувчи таълимот” мавзусида, “Ислом нури” газетасининг 2005 йилги №4 сониди “Аллоҳ олдидаги масъулият”, 2005 йилги 8-9-10-сонларида “Қамил инсон” мавзусида (Комилов Н., 2005:3-4), 2005 йил 8 февралда “Ўзбекистон овози” газетаси “Неки олами куброда бор – олами суғрода бор” мавзуларида қатор мақолалари эълон қилинди. Олимлар томонидан газеталарда мақолалар бериб борилиши халқимизнинг тафаккури ортишида ижобий аҳамият касб этади. Н.Комилов томонидан газеталарда бериб борилган мақолаларга эътибор қаратсак, тасаввуфдаги муҳим мавзуларга, яъни инсонларни қамолатга, одоб-ахлоққа даъват этишга йўналтирилган бўлиб, бунда мақолаларни халқчил тилда баён этилгани ва долзарб мавзуларга бағишланганини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур.

6) Сўзбошилар: Н.Комилов илмий фаолиятидаги энг муҳим эътирофлардан бири бу тасаввуфий асарлардаги сўзбошилардир. Тасаввуф таълимотидаги ўзига хос фикр ва ғояларни англаш, шарҳлаш – катта илм ва маҳорат талаб қилишини соҳа мутахассислари жуда яхши билишади. Жумладан, Муҳаммад Истеъломийнинг “Жалолиддин Румий” китоби (форс тилидан ўзбек тилига Жаъфар Муҳаммад таржимаси)га “Муҳим тадқиқот” дея номланган сўзбоши, “Тасаввуф сарчашмаси” китобига “Қимматли манба” дея номланган сўзбоши, Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарийнинг “Тасаввуф сирлари” асарига “Покланиш илми” дея номланган сўзбоши, Жалолиддин Румийнинг “Маснавий маънавий” таржима шарҳи билан “Румийни англаш иштиёқи” дея номланган сўзбоши, Фаридиддин Атторнинг “Илоҳийнома” (Насрий таржима, талқин, тафсир) асарига сўзбоши, Жаъфар Холмўминовнинг “Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти” монографиясига “Ибн ал-Арабий

Жомий талқинида” номли сўзбоши, (Холмўминов Ж., 2008:4-5) “Ишқ дафтари” китобига “Сўфиёна завку шавқ тўлқинлари” дея номланган сўзбоши, Замира Исҳоқованинг “Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини” монографиясига сўзбоши, “Шайх Мухйиддин Ургутий мактублари ҳақида” (Сўнгсўз ўрнида). “Ҳикмат ва ибратдан инган маърифат” китобига сўзбоши, Рашот Ўнгуран, Самих Жайхоннинг “Мавлоно Жалолиддин Румий, Маснавий маънавий” китобига “Мавлавий маърифати” дея номланган сўзбоши, Шайх Мухйиддин Ургутийнинг “Мактубот” китобига сўнгсўз, Абдумутал Абдуллаевнинг “Қубайс тоғидаги нидо” китобига сўзбошиларидан кўришимиз мумкинки профессор Н.Комилов тасаввуф бўйича нашр этилаётган асарларни чуқур англаган ва бу асарларнинг қийматини ўз сўзбошларида маҳорат билан таъкидлаб ўтган.

7) Масъул муҳаррир: Саъдулла Сиёевнинг “Яссавийнинг сўнгги сафари” (“Маънавият” нашриёти, Тошкент, 2002 йил.) (Сиёев С., 2002:42-48), Муслиҳиддин Мухиддинов “Комил инсон – адабиёт идеали” (“Маънавият” нашриёти, Тошкент, 2005 йил), Рашот Ўнгуран, Самих Жайхон “Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавий маънавий” (Тошкент, 2006 йил), Шайх Одина Мухаммад Хоразмийнинг “Мифтоҳ ул-асрор. “Маснавийи маънавий” тафсири”. Форсийдан Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. / Масъул муҳаррирлар: Нажмиддин Комилов, Жаъфар Холмўминов. – Т.: “Мусиқа”, 2006 йил), Жаъфар Холмўминовнинг “Жомий ва Ваҳдат ул-вужуд таълимоти” (Тошкент, 2008), Олим Давлатовнинг (Тошкент, 2008 йил) “Ибн ал-Арабий ва унинг ваҳдат ул-вужуд фалсафаси” асари (Давлатов О., 2008:3), “Нақшбандия таълимоти ва миллий маънавиятимиз” (Бухоро, 2008 йил), Жалолиддин Румий “Маснавий ҳикояларидан дарслар” 1,2,3 (Тошкент, 2010 йил), “Маърифатнома” асари ҳамда “Маснавий ҳикояларига шарҳлар”, “Найнома”, “Маснавий ҳикматлари” (Тошкент, 2011 йил), “Ўзни англаш саодати. Нақшбандия таълимоти ва миллий маънавиятимиз” (Бухоро, 2008 йил), “Тасаввуф сарчашмаси” Шайх ал-Колободий (Тошкент, 2002 йил) асарларига масъул муҳаррирлик вазифаларини катта масъулият билан бажарди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш зарурки, бирор асарга масъул муҳаррирлик вазифасини бажариш, асар бўйича муаллиф билан деярли бир хил масъулиятни муҳаррирга ҳам юклайди.

8) Маърузалар: “Ислом – маърифат дини”. Маърузалар матни / Масъул муҳаррир С.Олим. – Тошкент: “Маънавият”, 2000 йил, 500 нусха.

9) Ҳаммуаллифлик: Н.Комиловнинг олим сифатидаги илмий фаолиятидаги яна бир жиҳат бу ўз ҳаммаслаклари ва шогирдлари билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бориши ҳисобланади. Ҳақиқий олимларга хос хусусиятлардан бири бу илмий бағрикенглик, холислик бўлиб, олим ўзининг янги ғояларини шогирдлари ва касбдошлари билан бўлишади ва бу соҳада изланишларни амалга оширади, илм-фандаги шон-шухратга яқка ўзи даъво қилмайди, аксинча ўз жамоасини тарбиялаб, илмий мактабига асос солиб боради. Жумладан, Фаридиддин Атторнинг “Мантик ут-тайр” асари форсийдан Маҳкам Маҳмудов билан ҳамкорликда таржима қилинган. (Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Болтабоев, В.Раҳмонов. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2006 йил, Жаҳон адабиёти дурдоналари). “Бадий адабиёт ва тасаввуф тимсоллари” (Тошкент, 2010 йил. Масъул муҳаррир: А.Қуранбеков). “Тасаввуф адабиёти лингвопоэтикаси” (Ўқув қўлланма) (Шарқшунослик институти. Масъул муҳаррир профессор Баҳодир Назаров. Ҳаммуаллифлар: Н.Комилов, М.Имомназаров, А.Қуранбеков, Б.Назаров, А.Воҳидов, Г.Рихсиев, М.Қаландаров). “Қуръоний илҳомлар, Қуръоний илҳомлар таҳлили”. (Нақшбандия. Илмий-ирфоний, адабий-маърифий журнал. 2010 йил 2 (5). Нажмиддин Комилов, Омонулла Мадаев). “Бедил шеърлятида дил тимсоли” (С.Олимов билан ҳамкорликда ёзилган. “Филология масалалари” журналы, 2006 йил), “Маърифат тинчлик – асоси” (рисола, Тошкент, ТИУ нашриёти, 2007 йил). Хожагон тариқати ва Бухорода ирфоний-фалсафий илмлар ривож (IX-XV асрлар) (Комилжон Раҳимов, Рисола, Академия нашриёти, Т.: 2011 йил).

9.) Таҳрир ҳайъати: Умар Форук Сайдо ал-Жазарий “Тасаввуф сирлари” (Тошкент, “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2004 йил. Таҳрир ҳайъати Н.Комилов ва бошқалар.). “Ориф Деггароний Марказий Осиё тасаввуф таълимотининг буюк валийси” (Навоий 2007 йил, Навоий давлат педагогика институти. Таҳрир ҳайъати Н.Комилов ва бошқалар). Мирзо Абдулқодир Бедил “Шавқингни ёд этиб” (Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент, 2005. Таҳрир ҳайъати Н.Комилов ва бошқалар). Тасаввуф соҳасига доир илмий тадқиқот ишларида профессор Н.Комиловнинг таҳрир ҳайъати сифатидаги иштироки, қимматли маслаҳатлари ва илмий тавсиялари кўплаб тадқиқот натижаларида ижобий аҳамият касб этди.

10) Тақризлар: “Абдусалом Абдуқодиоровнинг “Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти (Ваҳдат ул-вужуд проблемаси бўйича)” мавзуидаги ёзган докторлик диссертациясига тақриз (Тошкент, 1998 йил), Сувонкулов Иноятуллонинг “Сўфи Оллоҳёр ва унинг адабий анъаналари” (Тошкент, 1997 йил), Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарий “Тасаввуф сирлари” (Тошкент, “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2000 йил, Тақризчилар: Н.Комилов, Муҳаммад Латиф Жуман, Анвар Турсун), Ҳожи Абдулғофур Раззоқ Бухорий “Тарикатга йўлланма” (Нақшбандия таълимоти асосида) (“Мовароуннаҳр” нашриёти, Тошкент, 2003 йил. Тақризчилар: Абдурашид қори Баҳромов, Н.Комилов), Муҳаммад Муфти Оҳангароний “Мавлоно Лутфуллоҳ манокби” (Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, Тошкент, 2002 йил. Тақризчилар: Н.Комилов ва бошқалар), “Хорижда тасаввуф таълимотининг ўрганилиши (инглиз тилидаги манбалар асосида)” (Тошкент, “Mumtoz so‘z”, 2008 йил. Тақризчилар: Н.Комилов, Маҳкам Маҳмудов), “Маснавий маънавий”. Биринчи китоб (мукамал шарҳ) (“Movarounnahr” нашриёти, Тошкент, 2011 йил), Замира Исҳоқова “Нажмиддин Кубро” рисоласи (Исҳоқова З., 2011:279), “Машраб” рисоласи, “Бобораҳим Машраб” рисоласи (“*Abi matbuot-konsalt*”, Тошкент, 2011 йил), “Ибн Арабий Абдурахмон Жомий талқинида (Муқаддима ўрнида)”, Жаъфар Холмўминовнинг “Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти” монографияси, Шукур Жабборнинг “Мансур Ҳаллож сири” рисоласи, (Тошкент, “Сано-стандарт” нашриёти, 2011 йил), “Валий маърифати” Даврон Ражабовнинг “Авлиё” асари, Дилфуза Жуманиёзованинг “Бобур ва тасаввуф” рисоласи (Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2003 йил), Ҳожи Абдулғафур Раззоқ Бухорийнинг “Тарикатга йўлланма” (Тошкент, “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2003 йил) каби кўплаб тадқиқот ва рисоаларга тақризлар берилган. Монография, рисола, маърифий асарлар ва мақолаларга берилган тақризлар шуни кўрсатадики профессор Н.Комилов илмий фаолиятида тадқиқотчиларнинг тасаввуф йўналиши бўйича бажарган изланишлари ҳам камраб олинган.

11) Анжуманлар: “Садриддин Айний ва Абдулқодир Бедил шеърларининг муқоясаси”, “Барҳаёт шеърият” (“Садриддин Айний шеъриятида анъана, ижодийлик ва бадиийлик муаммолари” мавзуидаги халқаро конференция материаллари, Бухоро, 2004 йил), “Ирфон нури Абулмаоний” (“Бедил ва ўзбек маънавияти”, Техрон, Тошкент, 2005 йил.) “Хожагонлар ахлоқий

таълимотининг инсон камолотидаги ижтимоий-маънавий аҳамияти” (“Ориф Деггароний Марказий Осиё тасаввуф таълимотининг буюк валийси” мавзуидаги республика илмий-назарий конференция материаллари. Навоий, 2007 йил) ушбу анжуман материалларида профессор Н.Комилов илмий фаолиятининг маълум бир қисми ёритилган.

12) Тасаввуфшунос олим, профессор Нажмиддин Комиловнинг илмий-ижодий фаолияти бўйича замондошлари эътирофи:

- Раҳим Воҳидов “Илоҳий ишқ жозибаси” рисола. (Профессор Нажмиддин Комилов суратида чизгилар.) Масъул муҳаррир ЎзФА мухбир аъзоси, профессор Б.Н.Валихўжаев), “Зарафшон” нашриёти, Самарқанд, 1998 йил (Воҳидов Р., 1998:132).

- Гулчеҳра Йўлдошева, Абдулҳамид Тўхтасинов “Одамийлар одамийси бу – комил инсонлардир”. “Тасаввуф” китобининг иккинчи наشري ҳақида. “Халқ сўзи” газетаси. 2000 йил 12 июл.

- Қўчқор Норқобил. “Нафсдан голиб келмоқлик жанги”. “Тасаввуф. Тавҳид асрори” иккинчи китоб ҳақида. “Ўзбекистон овози” газетаси, 2001 йил, 13 феврал (Норқобил Қ., 2001:3).

- Аббосхон Маҳмудов “Комилликка интилиб яшайди инсон...” “Маърифат” газетаси, 2004 йил 6-октябр.

- Фаридиддин Аттор “Булбулнома”. Замира Исҳоқова томонидан нашрга тайёрланган Нажмиддин Комиловга бағишланган. Наманган, 2005 йил. (Масъул муҳаррир Н.Комилов).

- Акмал Саидов “Тафаккур қарвонида тасаввуф водийсига сафар”. “Китоб дунёси” газетаси, 2012 йил 5 октябр.

- Мақсуда Бердимуродова “Нечун нигоҳингни тортади тупроқ ёҳуд пири комил Нажмиддин Комиловни эслаб”. “Қарвон қўнғироғи”, 2013 йил 5 феврал.

- Лола Азимова “Қўнғиллар валийси”. Мақола, “Имом Бухорий сабоқлари” журнали. №4, 2007 йил.

НАТИЖАЛАР

Юқорида келтирилган илмий тадқиқотлар ва бу борадаги замондошларининг эътирофлардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, профессор Н.Комилов илмий-ижодий фаолияти алоҳида тадқиқот ишини тақозо этади. Тадқиқот доирамизнинг чекланганлигини эътиборга олиб, олимнинг илмий фаолиятини мухтасар шаклда ўрта даврга бўлиб ҳулоса беришимиз мақсадга мувофиқ. Жумладан:

Биринчи, таржима ва қиёсий адабиётшунослик, таржима тарихига оид тадқиқот ишлари ҳамда касбий карьера даври:

Профессор Н.Комилов 1970 йили “Шоир Муҳаммадризо Огаҳийнинг бадиий санъати” мавзусида номзодлик, 1979 йил эса “XIX аср Хоразм таржима мактаби: типология ва қиёсий ўрганиш муаммолари” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди ва 1979 йил “Дўстлик кўприклари” (ҳамкорликда), 1983 йилда “Ибн Сино ва Данте”, 1988 йилда “Бу қадимий санъат” каби асарларини ёзди.

Нажмиддин Комилов, 1965-67 йилларда “Самарқанд университети” газетаси редактори, 1967-70 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “Тил ва адабиёт институти” аспиранти, 1970-1971 йилларда “Ўзбек совет энциклопедияси” бош таҳририятида катта илмий муҳаррир, 1971-1993 йилларда Тошкент давлат университети (ҳозирда Ўзбекистон миллий университети)да катта ўқитувчиси, доценти ва профессори, 1993-1994 йилларда Тошкент давлат шарқшунослик институтида кафедра мудири, 1994-1995 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида бош консультант, 1995-1999 йилларда Давлат ва жамият қурилиши академияси илмий ишлар бўйича проректори, 1999-2001 йилларда Ўзбекистон Республикаси марказий сайлов комиссияси раиси, 2001-2012 йилларда Давлат ва жамият қурилиши академиясида турли лавозимларда фаолият олиб борди. Эрон Ислом Республикаси Президенти Саид Муҳаммад Ҳотамий томонидан “Цивилизациялараро мулоқотни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” алоҳида ташаккурнома билан тақдирланди, Тошкент ислом университети, Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгашлар аъзоси сифатида фаолият олиб борди. Олий аттестация комиссияси эксперт кенгаши аъзоси, 1993 йилдан буён Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасида халқаро ва республика миқёсида ўтказиб келинаётган анъанавий Нақшбандхонлик илмий-амалий анжуманининг доимий иштирокчиси ва ташкилотчиларидан бири. “Меҳнат шухрати” ордени ва турли эсдалик нишонлари билан тақдирланди.

Иккинчи, тасаввуф тарихи ва тариқат мактабларига доир илмий тадқиқотлар даври:

Профессор Н.Комилов бу босқичда шарқдаги машҳур тасаввуф тариқатларининг намояндалари Хожа Аҳмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро, Шайх Фаридуддин Аттор, Ибн ал-Арабий, Шайх

Азизиддин Насафий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (Khatamov T., 2022:12-17), Ҳусайн Воиз Кошифий каби алломаларнинг илмий-маърифий меросидаги сўфиёна қарашлар (Mukhamedov N., 2020:439-443), тариқатлар ўртасидаги ғоявий уйғунлик ва зиддиятлар, ахлокий меъёрлар ва концептуал дастурларни таҳил этиш, шарҳлаш ва тегишли изоҳлар асосида кенг жамоатчиликка етказиш, муҳокама қилиш ва илмий истеъмолга киритиш каби кўплаб вазифаларни бажарди.

Учинчи, олим ташаббуси билан тасаввуфий илмий-маърифий меросни ўрганишга йўналтирилган “Устоз-шогирд” тизимининг шаклланиш даври:

Бу даврда тасаввуф таълимотини ўрганишга қаратилган “Устоз-шогирд” анъанасига асос солинди. Профессор Н.Комилов бу босқичда ўз илмий фаолиятининг чўққисига эришди ва илмий изланишлар билан шуғулланиб, тасаввуф соҳасида шогирдларни етиштирди. Ушбу мактабда қатор илмий-маърифий тадқиқот ишларини амалга оширди. Жумладан, устозлик мартабасида бўлган Ғайбуллоҳ ас-Салом, ҳаммаслак олимлардан Иброҳим Ҳаққул, Раҳим Воҳидов, Муслихиддин Муҳиддинов, Султонмурод Олим (Султонмурод О., 1999:3), Садриддин Салим Бухорий, Анварқори Турсунов каби фан фидойилари билан ҳамкорликда бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Шунингдек, бу даврда Зухриддин Исомиддинов, Жаъфар Холмўминов (Жаъфар Муҳаммад Термизий), Муҳаммаджон Азимов, Олимжон Давлатов, Каромат Муллаҳўжаева (Муллаҳўжаева К., 2000:4), Замира Исҳокова, Абдумалик Ёқубов, Абдувоҳид Ҳайитов, Убайдуллаева Иноятхон, Комилжон Раҳимов (Раҳимов К., 2011:135), Лола Азимова (Азимова Л., 2021:62-66), Мақсуда Бердимуродова, Зокир Худойшукур, Ботир Оқбўтаев (Оқбўтаев Б., 2002:117-119), Нигора Мамадалиева, Гуландон Тоғаева, Ботир Худойшукуров, Гулжамол Хоннаева, Шокирова (Комилова) Маъсуда (*фарзанди*) каби шогирдлар устоз мактабида тарбия топди.

ХУЛОСА

Тадқиқот якунида профессор Н.Комиловнинг тасаввуф таълимотига бўлган иштиёқи ҳақида, ўзлари ёзиб кетган муҳим бир маълумот эътиборни тортди, яъни, олим томонидан 1996 йилда нашр этилган “Тасаввуф” (“Ёзувчи” нашриёти, Тошкент, 1996) номли биринчи китобининг 271-бетида қуйидаги сўзларни ёзади - “*Камина худди шу ўринда ҳазрат*

Қутбиддинхон эшон билан узоқ йиллар ҳамсухбат бўлиб, мурид тушиб, илмларидан баҳраманд бўлганлигим, оталик меҳрини туйганлигимни камоли шукроналик ва эҳтиром билан таъкидлаб ўтмоқчиман”. Ушбу маълумотлардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки олим, тасаввуф таълимотини факат илмий-назарий жиҳатдан эмас, балки, бевосита тариқат вакили, амалиётчи шогирд, мурид ва устоз сифатида англаган.

Н.Комилов тасаввуф вакиллари, жумладан, Накшбандий шайхлари - рухий мураббийларимиз, маънавиятимиз пешволари ва тарихимизнинг ажралмас қисми эканлигини, уларнинг ҳаётини ўрганиш мустақиллик пойдеворини қураётган халқимиз учун муҳим сабоқ эканлигини алоҳида таъкидлайди. Дарҳақиқат, олимнинг ўз умри давомида дин, миллат, тарих, адабиёт ва тасаввуф бўйича олиб борган илмий-ижодий изланишлари, бугунги авлод учун ижобий аҳамиятга эга маърифий мерос ҳисобланади. Ушбу меросдан унумли фойдаланиш, амалда татбиқ этиш ва келажак авлодга етказиш барчамизнинг ватандошлик ва инсонийлик бурчимиздир.

ФОЙДАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Азимова Л. “Маънавий камолот сари”, Рисола. “Фаровон юрт”, -Тошкент: 2021. –Б. 62-66.
2. Воҳидов Раҳим. “Илоҳий ишқ жозибаси” (Профессор Нажмиддин Комилов суратига чизгилар). Рисола. Самарқанд: “Зарафшон”, 1998.
3. Давлатов Олим. “Ибн ал-Арабий ва унинг ваҳдат ул-вужуд фалсафаси”. Тошкент: “Фан”, 2008.
4. Исҳоқова Замира. Нажмиддин Кубро (рисола). “Abu matbuot-konsalt”, - Тошкент: 2011. - Б. 279.
5. Комилов Нажмиддин. Тасаввуф ва бадий ижод // “Ёшлик” журналы №8-сон, 1991. -Б. 21-28.
6. Комилов Нажмиддин. Мардлик тариқати (Жавонмардлик ҳақида) // “Тафаккур” журналы №1-сон, 1994. -Б. 29-37.
7. Комилов Нажмиддин. Тасаввуф (Шарқ фалсафий тафаккури тарихида тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи). Биринчи китоб. –Тошкент: “Ёзувчи”, 1996.
8. Комилов Нажмиддин. Комил инсон ҳақида тўрт рисола. “Маънавият”, Тошкент: 1997. - Б. 316.
9. Комилов Нажмиддин. Комиллик йўли. (интервью) “Хуррият” газетаси муҳбири Қўпайсин Алиева суҳбатдош. // “Хуррият” газетаси, Тошкент: 19 март 1997. -Б. 2-3.
10. Комилов Нажмиддин. Комиллик тариқати (Биринчи мақола). “Тафаккур” журналы №1-сон, 1998. -Б. 45-54.
11. Комилов Нажмиддин. Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. “Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат”. 1999.
12. Комилов Нажмиддин. Тасаввуф истилоҳлари. “Филология масалалари” журналы №1, 2003. -Б. 14-22.
13. Комилов Нажмиддин. Ирфон нури. (Мирзо Бедилнинг “Ирфон” достони талқини). “Тафаккур” журналы, №2, Тошкент: 2006.
14. Комилов Нажмиддин. Тасаввуф ва тариқат пешвоси. “Ҳуқуқ ва бурч” журналы, №8, Тошкент: 2009. -Б. 53-60.
15. Комилов Нажмиддин. «Тасаввуф» тўлдирилган охириги нашри “Ўзбекистон” - “Мовароуннахр”, Тошкент: 2009.
16. Комилов Нажмиддин. Тафаккур қарвонлари: Шарқ Ғарбнинг цивилизациявий алоқалари. Тошкент: “Шарқ”, 2011.
17. Комилов Нажмиддин. Комил инсон. // “Ислом нури” газетаси, №8-9-10 - Тошкент: 2005. –Б. 3-4.
18. Комилов Н., Раҳимов К. Хожагон тариқати ва Бухорода ирфоний-фалсафий илмлар ривож (IX–XV асрлар). – Тошкент: «Академия», 2011.-Б. 135.
19. Каромат Муллаҳўжаева. Ўзингга суяниб яша! // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 24 ноябр 2000.
20. Khatamov T. (2022). Reforms on the restoration of the scientific and educational heritage of Sufis in the years of independence. *The Light of Islam: Vol. 2022 : Iss. 2* , Article 1. P. 49-58. Doi: 10.47980/IIAU/2022/26
21. Khatamov, T. A. (2022). Interpretation of perfect human in Nakshbandiya tariqah: approaches and analysis. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 06 (110), 12-17. <http://s-o-i.org/1.1/TAS-06-110-3> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS>
22. Khatamov, T. A. (2022). A study of the scientific and educational legacy of sufism in the years of independence. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 06 (110), 8-11. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-06-110-2> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS>
23. Mukhamedov, N. (2020). Role of Zangi Ata in the Islamic culture of the region. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 12 (92), 439-443. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-92-84> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2020.12.92.84>
24. Окбўтаев Ботир. Тасаввуф эмас, зуҳду тақвою-тоат... // “Тафаккур”, №3, Т.: “Шарқ”, 2002. - Б. 117-119.
25. Сиёев Саъдулла. Яссавийнинг сўнгги сафари // “Маънавият” нашриёти, Тошкент, 2002. -Б. 42-48.
26. Султонмурод Олим. Ўзликнинг сири // “Халқ сўзи” газетаси, 7 октябр 1999.
27. Қўчқор Норқобил. Нафсдан ғолиб келмоқлик жанги. “Тасаввуф. Тавҳид асрори” иккинчи китоб ҳақида. “Ўзбекистон овози” газетаси, 13 феврал 2001.

REFERENCES

28. Azimova L. "Ma'naviy kamolot sari", Risola. "Farovon yurt", -Toshkent: 2021. -B. 62-66.
29. Vohidov Rahim. "Ilohiy ishq jozibasi" (Professor Najmiddin Komilov suratiga chizgilar). Risola. Samarqand: "Zarafshon", 1998.
30. Davlatov Olim. "Ibn al-Arabiy va uning vahdat ul-vujud falsafasi". Toshkent: "Fan", 2008.
31. Ishoqova Zamira. Najmiddin Kubro (risola). "Abu matbuot-konsalt", - Toshkent: 2011. - B. 279.
32. Komilov Najmiddin. Tasavvuf va badiiy ijod // "Yoshlik" jurnali №8-son, 1991. -B. 21-28.
33. Komilov Najmiddin. Mardlik tariqati (Javonmardlik haqida) // "Tafakkur" jurnali №1-son, 1994. -B. 29-37.
34. Komilov Najmiddin. Tasavvuf (Sharq falsafiy tafakkuri tarixida tasavvuf yoki komil inson axloqi). Birinchi kitob. -Toshkent: "Yozuvchi", 1996.
35. Komilov Najmiddin. Komil inson haqida to'rt risola. "Ma'naviyat", Toshkent: 1997. - B. 316.
36. Komilov Najmiddin. Komillik yo'li. (intervyu) "Hurriyat" gazetasi muxbiri Ko'paysin Alieva suhbatdosh. // "Hurriyat" gazetasi, Toshkent: 19 mart 1997. -B. 3.
37. Komilov Najmiddin. Komillik tariqati (Birinchi maqola). "Tafakkur" jurnali №1-son, 1998. -B. 45-54.
38. Komilov Najmiddin. Tasavvuf. Ikkinchi kitob. Tavhid asrori. "G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at". 1999.
39. Komilov Najmiddin. Tasavvuf istilohlari. "Filologiya masalalari" jurnali №1, 2003. -B. 14-22.
40. Komilov Najmiddin. Irfon nuri. (Mirzo Bedilning "Irfon" dostoni talqini). "Tafakkur" jurnali, №2, Toshkent: 2006.
41. Komilov Najmiddin. Tasavvuf va tariqat peshvosi. "Huquq va burch" jurnali, №8, Toshkent: 2009. -B. 53-60.
42. Komilov Najmiddin. «Tasavvuf» to'ldirilgan oxirgi nashri "O'zbekiston" - "Movarounnahr", Toshkent: 2009.
43. Komilov Najmiddin. Tafakkur karvonlari: Sharq G'arbning sivilizatsiyaviy aloqalari. Toshkent: "Sharq", 2011.
44. Komilov Najmiddin. Komil inson. // "Islom nuri" gazetasi, №8-9-10 - Toshkent: 2005. -B. 3-4.
45. Komilov N., Rahimov K. Xojagon tariqati va Buxoroda irfoniy-falsafiy ilmlar rivoji (IX-XV asrlar). - Toshkent: «Akademiya», 2011.-B. 135.
46. Karomat Mullaxo'jaeva. O'zingga suyanib yasha! // "O'zbekiston adabiyoti va san'ati" gazetasi, 24 noyabr 2000.
47. [Khatamov T.](#) (2022). Reforms on the restoration of the scientific and educational heritage of Sufis in the years of independence. *The Light of Islam*: Vol.101., 2022 : Iss. 2 , Article 3. P. [49-58](#). Doi: 10.47980/IIAU/2022/26
48. Khatamov, T. A. (2022). Interpretation of perfect human in Nakshbandiya tariqah: approaches and analysis. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 06 (110), 12-17. <http://s-o-i.org/1.1/TAS-06-110-3> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS>
49. Khatamov, T. A. (2022). A study of the scientific and educational legacy of sufism in the years of independence. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 06 (110), 8-11. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-06-110-2> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS>
50. Mukhamedov, N. (2020). Role of Zangi Ata in the Islamic culture of the region. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 12 (92), 439-443. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-92-84> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2020.12.92.84>
51. Oqbo'taev Botir. Tasavvuf emas, zuhdu taqvoyu-toat... // "Tafakkur", №3, T.: "Sharq", 2002. - B. 117-119.
52. Siyoev Sa'dulla. Yassaviyning so'nggi safari // "Ma'naviyat" nashriyoti, Toshkent, 2002. -B. 42-48.
53. Sultonmurod Olim. O'zlikning siri // "Xalq so'zi" gazetasi, 7 oktyabr 1999.
54. Qo'chqor Norqobil. Nafsdan g'olib kelmoqlik jangi. "Tasavvuf. Tavhid asrori" ikkinchi kitob haqida. "O'zbekiston ovozi" gazetasi, 13 fevral 2001.